

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ҚЎМИТАСИ**

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ
ИНСТИТУТИ**



**ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ:
ЗАМОНАВИЙ АМАЛИЁТ ВА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

I қисм

21-22 май, 2020 йил

Самарқанд – 2020

“Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари: замонавий амалиёт ва инновацион технологиялар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Самарқанд, 2020.

Ушбу тўпламга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги №56-ф-сонли Фармойишига асосан, 2020 йил 21-22 майда ўтказилган “Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари: замонавий амалиёт ва инновацион технологиялар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси қатнашчилари томонидан тақдим этилган материаллар киритилган.

Конференциянинг ҳамда мазкур нашрнинг муҳим вазифалари тақдим этилган мавзу доирасида энг янги маълумотлар билан танишиш, муаммоли масалаларни муҳокама қилишдан иборат. Ушбу тўплам ветеринария, чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги тадқиқотчилар, олимлар ва мутахассислар учун мўлжалланган. Мақолалар муаллифлик таҳририда чоп этилган.

Мазкур тўплам ушбу йўналишларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, докторантлар, мустақил изланувчилар, магистрантлар ҳамда иқтидорли талабаларга мўлжалланган.

Таҳрир хайъати аъзолари

Б.ф.д., профессор Х.Б.Юнусов, в.ф.д., профессорлар А.С.Даминов, Р.Б.Давлатов, в.ф.д., доцент Ҳ.Б.Нижёзов, в.ф.н., доцент Б.Д.Нарзиев, к.х.ф.д., доцент А.А.Элмуродов, к.х.ф.н., доцент Э.С.Шаптаков, б.ф.н., А.Мўминов, к.х.ф.д., А.Р.Рахимов

*Тўпламга киритилган материаллардаги маълумотлар
тўғрилиги учун муаллифлар жавобгардир.
Таҳрир хайъати*

5. Ковальский В.В. Биогеохимические провинции СССР и методы их изучения / В.В. Ковальский // Труды биогеохимической лаборатории / Акад. наук СССР, Ин-т геохимии и аналитической химии им. В. И. Вернадского, Биогеохим. лаб. - М., 1960. - Т. 11. - С. 8–32.

6. Методы ветеринарной клинической лабораторной диагностики: справочник / Под ред. проф. И. П. Кондрахина. - М.: КолосС, 2004. - 520 с.

7. Микроэлементозы человека: этиология, классификация, органопатология / А.П. Авцын [и др.]. - М.: Медицина, 1991. - 496 с.

8. Нормы и рационы кормления сельскохозяйственных животных: справочное пособие / под ред. А.П. Калашникова [и др.]. - М., 2003. - 456 с.

УДК 636: 628.087(575.1)

ТУРЛИ ХИЛ ШАРОИТДА БОҚИЛГАН БУЗОҚЛАР ҚОНИНИНГ ГЕМАТАЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Н.Э.Саттаров, А.Н.Боротов, Н.А.Ашуров, М.Н.Саттаров

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари
институту*

Аннотация. Мақолада энгил типда ихчамлаштириб қурилган бинода алоҳида катакчалар ва алоҳида уйчаларда парвариш қилинган қизил чўл зотга мансуб буқачалар қонининг маҳсулдорлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган шакли элементлари ва гемоглабин миқдорининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Ёш бузоқчаларни очиқ тоза ҳавода табиий шараоитда боқиш усули подани тўлдириш ва гўшт маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш учун ўстиришга қолдирилган бузоқларни талофатсиз парваришлаш технология-сининг ўзига хос афзалликларини кўрсатди. Тоза ҳаво табиий ёруғлик ва қуёш нурининг бузоқлар организмида “D” витаминининг табиий ҳолда синтезланиши, бино ичида аммиак газининг сув буғлари ва чанг тўпланиши миқдорининг кескин камайиши бузоқлар қонининг физиологик меъёрда бўлишини таъминлаб уларнинг маҳсулдорлиги билан боғлиқ бўлган ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар. Энгил типда ихчамлаштириб қурилган бино, алоҳида уйча қонининг шакли элементлари, ўсиш, ривожланиш, микроклим ресурстежамкор технология.

Қириш. Ҳозирги кунда Республикамизда етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми 95% дан кўпироғини фермер, деҳқон ва аҳолининг шахсий хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Мавжуд йирик шохли молларнинг 94% сигирларнинг 96% дан кўпроғи ушбу хўжаликлар қарамоғида сақланмоқда.

Олинган статистик маълумотларнинг натижалари шуни кўрсатадики, республикаимиз бўйича 2018 йилда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 2000 йилга нисбатан ғалла 100 кг, картошка 65 кг, мева ва сабзавотлар 250 кг, узум 35 кг, гўшт маҳсулотлари 30 кг, сут маҳсулотлари 160 кг, тухум маҳсулотлари эса 150 донага оширилишида ушбу хўжаликларнинг ўрни беқиёс эканлигини кўрсатмоқда.

Ана шу янги ташкил этилаётган фермер деҳқон аҳолимизнинг шахсий хўжаликларида ёш қорамолларни парваришлаш ва бўрдоқига боқишда ҳар томонлама қулай ресурстежамкор технологияларни яратиш ҳозирги куннинг энг муҳим долзарб вазифалардан бири саналади.

Таҷрибанинг асосий мақсади кичик фермалар, фермер хўжаликлари ва шахсий ёрдамчи хўжаликларларида ресурстежамкор энгил типда ихчамлаштириб қурилган биноларда ёш бузоқларни парваришлаш ҳамда бўрдоқига боқиш технологиясини яратишдан иборат.

Бузоқлар организмида кечаётган моддалар алмашилиш жараёни ва уларнинг соғлиги тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш мақсадида турли хил шароитларда боқилган ёш бузоқлар қонининг морфологик таркибини ўргандик. Қорамоллар қонининг морфологик таркиби қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади. Ёши, жинси, зоти, озиклантириш ва турли хил шароитларда боқиш усули ва бошқалар. Тажрибамиз давомида биз турли хил шароитда боқилган ва тўла қийматли озиклантирилган Қизил-чўл зотига мансуб бўлган буқачалар қонини ёши ортиб бориши билан турли фаслардаги ўзгаришини ўргандик.

Материаллар ва методлар: Тажриба учун Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани “Ашур полвон” фермер хўжалигида ёши, тирик вазни, бир-бирига жуда яқин бўлган 3 та гуруҳ (ҳар бир гуруҳда 15 бошдан) бузоқлар танлаб олиниб, турли хил шароитларда парвариш қилинди. I-назорат гуруҳидаги бузоқлар туғилганидан кейин 3 кунлигидан бошлаб чорвачилик фермаларида қўлланиб келинаётган ананавий технология бўйича бузоқхоналарда гуруҳ-гуруҳ ҳолда (ҳар бир гуруҳда 5 бошдан) 2 ойлик бўлгунча сақланди. I-тажриба гуруҳидаги бузоқлар эса туғилганидан кейин 3 кунлигидан бошлаб алоҳида-алоҳида сақланадиган уйчаларда 2 ойлик бўлгунча сақланди. II-тажриба гуруҳидаги бузоқлар эса туғилганидан кейин 3 кунлигидан бошлаб энгил типда ихчамлаштириб қурилган биноларда алоҳида-алоҳида катакчаларда 2 ойлик бўлгунча сақланди. I-тажриба гуруҳидаги бузоқлар сақланадиган алоҳида уйчаларнинг бўйи 1,50 м, эни 1,20 м, баландлиги 1,25 м бўлиб олдида бузоқни яйратиш майдончаси ҳам мавжуд. Яйратиш майдончасининг бўйи 1,50 м, эни 1,20 м, баландлиги 1 м. II-тажриба гуруҳ сақланадиган энгил типда ихчамлаш-тириб қурилган бино арк шаклда қурилган бўлиб, ярим айлана арк шаклдаги темир устунлардан иборат. Ушбу устунлар қалин оқ брезент мато билан ёпилади. Бинонинг катта кичиклигини ҳоҳлаганча ўрнатиладиган устунлар сонига қараб ўзгартириш мумкин. Тажриба учун узунлиги 12 м, эни 8,2 м, баландлиги 3,5 метр бўлган бино танладик. Бино ичига бузоқларни алоҳида-алоҳида сақлаш учун катакчалар ўрнатдик. Бузоқлар сақланадиган алоҳида катакчаларнинг бўйи 1,95 м, эни 1,10 м, баландлиги 0,93 м ни ташкил қилади. 2 ойлигидан бошлаб 12 ойлик бўлгунча назорат ҳамда I-тажриба гуруҳидаги буқачалар озиклантириш ва яйратиш майдончалари бўлган сояли айвонларда гуруҳ ҳолда сақланди. II-тажриба гуруҳидаги буқачалар эса озиклантириш ва яйратиш майдончаси бўлган энгил типда ихчамлаштириб қурилган биноларда гуруҳ-гуруҳ ҳолда сақланди.

Ҳайвонлар қонининг морфологик таркибини ўрганиш учун ҳар бир гуруҳдан 5 бош буқачалар ажратиб олинди. Ушбу буқачалардан эрталаб озиклантиришдан олдин 1 ойлигидан бошлаб ҳар 3, 6, 9, 12 ойлик бўлгунча қон олиб унинг таркиби ўрганилди. Қон таркибидаги эритроцитлар ва лейкоцитлар миқдорини микроскопда Горяева турида санаш усули билан қон таркибидаги гемоглобин миқдорини эса Сали усулида “гемометр” асбоби билан, қон зардобидаги умумий оксил миқдорини рефрактометрик, калций Де Ваарда фосфор эса Бриггсу усулида ўрганилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Буқачалар қонининг морфологик таркиби 1-жадалда келтирилган.

1-жадвал

Буқачалар қонининг морфологик таркиби

Кўрсаткичлар	назорат	I-тажриба	II-тажриба
	1-ойлигида		
Эритроцитлар, млн/мл ³	7,11±0,9	7,15±0,8	7,12±0,7
Лейкоцитлар, минг/мл ³	5,76±0,7	5,80±0,6	5,79±0,9
Гемоглобин, г %	9,50±0,5	9,56±0,4	9,53±0,9
	3-ойлигида		
Эритроцитлар, млн/мл ³	7,28±0,5	7,36±0,3	7,40±0,4
Лейкоцитлар, минг/мл ³	5,80±0,6	5,78±0,5	5,82±0,3
Гемоглобин, г %	9,70±0,7	9,86±0,6	9,90±0,5
	6-ойлигида		

Эритроцитлар, млн/мл ³	7,50±0,4	7,61±0,7	7,70±0,6
Лейкоцитлар, минг/мл ³	6,0±0,6	5,90±0,4	5,88±0,5
Гемоглобин, г %	10,1±0,3	10,21±0,5	10,28±0,6
	9-ойлигида		
Эритроцитлар, млн/мл ³	8,16±0,5	8,20±0,4	8,30±0,3
Лейкоцитлар, минг/мл ³	6,18±0,7	6,16±0,6	6,14±0,4
Гемоглобин, г %	10,2±0,3	10,18±0,4	10,25±0,6
	12-ойлигида		
Эритроцитлар, млн/мл ³	7,68±0,5	7,70±0,5	7,76±0,3
Лейкоцитлар, минг/мл ³	5,86±0,7	5,80±0,5	5,82±0,6
Гемоглобин, г %	9,78±0,4	9,84±0,3	9,90±0,6

1 – жадвалнинг натижаларидан кўриниб турибдики, тажриба бошида барча гуруҳдаги ҳайвонлар конининг шаклли, элементлари, бир бирига жуда яқин бўлган бўлса тажриба давомида I ва II тажриба гуруҳидаги буқачалар конининг шаклли элементи эритроцитлар сони ўзларининг тенгдошлари бўлган назорат гуруҳидаги буқачаларга нисбатан бироз юқори эканлигини кўрамиз. Ушбу кўрсаткич I ва II тажриба гуруҳидаги буқачалар организмда моддалар алмашинуви жадал кечганлигидан далолат беради. Шунинг учун I ва II тажриба гуруҳидаги буқачаларнинг тирик вазни ўзларининг тенгдошлари бўлган назорат гуруҳидаги буқачаларга нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлиб, яхшироқ ўсиш ва ривожланишга эришди.

Тажриба давомида буқачалар қони таркибидаги шаклли элементлар физиологик меъёрдан ошиши ёки камайиши кузатилмади.

Қон зардоби таркибидаги кальций, фосфор ва умумий оксиллар организмнинг ўсиши ва ривожланиши учун энг муҳим асосий ҳаётин манбалардан бири ҳисобланиб организмнинг асосий қурилиш материаллари саналади. Бузоқлар қон зардоби таркибидаги кальций фосфор ва умумий оксил миқдори 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Буқачалар қон зардоби таркибидаги кальций, фосфор ва умумий оксил миқдори

Кўрсаткичлар	назорат	I-тажриба	II-тажриба
	1-ойлигида		
Кальций, мг %	11,50±0,10	11,45±0,20	11,48±0,18
Фосфор, мг %	4,70±0,15	4,76±0,23	4,71±0,30
Умумий оксил, г %	6,20±0,24	6,18±0,22	6,26±0,34
	3-ойлигида		
Кальций, мг %	12,30±0,22	12,36±0,30	12,40±0,24
Фосфор, мг %	5,10±0,15	5,13±0,18	5,18±0,22
Умумий оксил, г %	6,60±0,28	6,70±0,24	6,74±0,32
	6-ойлигида		
Кальций, мг %	12,44±0,26	12,52±0,24	12,62±0,16
Фосфор, мг %	5,20±0,24	5,16±0,28	5,14±0,26
Умумий оксил, г %	7,10±0,28	7,20±0,26	7,26±0,24
	9-ойлигида		
Кальций, мг %	12,56±0,20	12,64±0,22	12,70±0,28
Фосфор, мг %	5,30±0,18	5,38±0,24	5,40±0,16
Умумий оксил, г %	7,24±0,24	7,30±0,28	7,30±0,22
	12-ойлигида		
Кальций, мг %	12,54±0,32	12,58±0,28	12,64±0,30
Фосфор, мг %	5,80±0,22	5,82±0,26	5,94±0,29
Умумий оксил, г %	7,26±0,026	7,34±0,28	7,38±0,29

2-жадвалнинг натижалари шуни кўрсатадики, тажриба бошида барча гуруҳлар қон зардоби таркибидаги кальций миқдори ўртача 11,45 мг % , 11,48 мг%, 11,50 мг % бўлса, фосфор эса 4,70 мг %, 4,71 мг %, 4,76 мг % ни ташкил этади. Умумий оксил эса 6,18 г %, 6,20 г %, 6,26 г % ни ташкил этган бўлса, 12 ойлигида ушбу кўрсаткич 7,26 гм % дан 7,38 гм % ни ташкил этди.

Олинган натижаларнинг тахлилидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг махсулдорлиги уларнинг қон таркиби билан чамбарчас боғлиқ деган назариянинг нақадар тўғри эканлигини ўтказилган тажрибаларнинг натижалари ҳам тасдиқлади [1, 2, 3].

Р.И.Рўзиев томонидан қора ола зотли буқачалар озуқа рационидан таркибидаги омукта-ем таркибини I- гуруҳда 45 %, II-гуруҳда 30 %, III-гуруҳда 15 % ва IV-гуруҳда ҳам 15 % витаминли беда уни билан қолган қисмини сифатли ҳажмдор озуқалар билан тўлдирилган буқаларнинг қони таркибидаги эритроцитлар тажриба бошида 1 ойликда 7,288 дан 7,320 млн мл лейкоцитлар 5,78 дан 5,82 минг мл гемоглобин эса 9,83 дан 9,86 г % ни ташкил этган бўлса, кўрсаткичлар 18 ойлигидан 6940 дан 7180 гача 5,480 дан 5,790 гача, 9,34 дан 9,58 г % ни ташкил этган. Бузоқларнинг тирик вазни I-гуруҳда 469 кг, II-450 кг, III-431 кг, IV-445 кг бўлган [4].

Ш. Алламуродов томонидан қора ола, швиц қозоқи оқбош маҳаллий зот билан частиштирилган дурагай авлод қон 7/8 абердин ангус маҳаллий зот билан частиштирилган. Дурагай авлод қони 7/8 бўлган буқаларни 18 ойлигигача енгил типда қурилган биноларда ва сояли айвонларда бурдоқига боқилган буқаларнинг қони таркибидаги эритроцитлар йил фаслларига қараб 6,98 дан 8,82 гача лейкоцитлар 6,48 дан 7,32 гача гемоглобин миқдори эса 7,58 дан 8,72 г % ни ташкил этган. [5]

З.Л.Элжиркова томонидан ўтказилган тажрибаларда симментал зотли буқачалар ҳар хил технологияларда бурдоқига боқиш натижасида уларни қон таркибидаги эритроцитлар, лейкоцитлар ва гемоглобин миқдори ўрганилган. Буқачалар 6 ойлик даврида уларнинг қони 6,4 г/л ($P>0,95$), 11,7 г/л ($P>0,99$). 18 ойлигида 6 г/л ($P>0,95$), 12,4 г/л ($P>0,99$) бўлиб, тирик вазни 543 кг ни ташкил этган. [6]

1992 йил И.М. Махмудов, И.Х. Хидировлар томонидан ўтказилган тажрибаларда қора ола зотга мансуб бўлган I гуруҳ озуқа рационидан омукта-ем миқдори I-гуруҳда 20%, II -гуруҳда 15 %, III-гуруҳда 30 % ва IV-гуруҳда 40 % бўлган таначалар қони таркибида 6 ойлигида эритроцитлар сони 7,5 дан 7,8 гача лейкоцитлар 7,5 дан 7,6 гача гемоглобин 10,3 дан 10,7 гача умумий оксил эса 7,8 дан 8 гача бўлган бўлса 24 ойлигида эритроцитлар 10,5 дан 11,3 лейкоцитлар 10-10,2 гача гемоглобин 11,2 дан 12,1 гача умумий оксил эса 8,3 дан 9,1 гача бўлиб озуқа рационидан омукта-ем миқдори 30 % ва ундан юқори бўлган гуруҳларда қоннинг шаклли элементлари рационда омукта-ем миқдори кам бўлган тенгдошларидан биров кўп бўлганлиги аниқланган.[7] Шундай кўрсаткичлар бошқа ўтказилган бир қанча тажрибаларда ҳам исботланган [8,9,10].

Хулосалар. Шундай қилиб енгил типда ихчамлаштириб қурилган биноларда ва алоҳида уйчаларда ҳамда сояли айвонларда ёш қорамолларни парваришлаш, ҳайвонлар қонининг марфологик таркибига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда махсулдорлигини ошишига хизмат қилади.

Ушбу технологияни кичик фермалар, фермер хўжаликлари ва аҳолининг шахсий хўжаликларида фойдаланишни тавсия этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Серкова З.Х. Влияние способа содержания на рост, развитие и иммунологический статус бычков //Известия Горского государственного аграрного университета. – 2016. -№53 (ч.1). –С. 44-49.

2. Ужахов М.И. Измененне продуктивных качеств и резистентных свойств скота черно-пестрой и красной степной пород в процессе голштинизации // Молочное и мясное скотоводство. -2016.№2. –С. 30-32

3. Улимбашев М.Б. Продуктивные и иммунобиологические показатели крупного рогатого скота // Вестник РАСХН. -2006 . №1.-С. 74-77.

4. Рузиев Р.И. Морфологические и биохимические показатели крови черно-пестрых бычков при использовании в рационах высокобелковых кормов. Сб. Трудов

УзНИИЖ. Генетико-физиологические основы повышения продуктивности сельскохозяйственных животных. Тошкент 1988. С42-47.

5. Алламурастов Ш. Гематологические показатели крови бычков разного направления продуктивности. Сб. трудов УзНИИЖ. Генетико-физиологические основы повышения продуктивности сельскохозяйственных животных. Тошкент 1988. С 62-65.

6. Элжиркова Л. Эффективность выращивания бычков симментальской породы в условия разризных технологий производство говядины Автореф. К-с-хн. Нальчик 2017 г.

7. Мақсудов И., Хидиров И.Х. Урғоши таналарнинг морфологик ва биёкимёвий кўрсаткичлари. ЎзЧИТИ илмий мақолалар тўплами. “Қишлоқ хўжалик хайвонлари маҳсулдорлигини оширишнинг технологик асослари” Тошкент 1992й. 91-94 б.

8. Улимбашев М.Б. Эффективность разведения скота швицкой породы в различных эколого-хозяйственных условиях / М.Б.Улимбашев // Вестник РАСХН. - 2008.-№3.-С.82-84.

9. Улимбашев М.Б. Особенности голштинизированного красного степного скота Кабардино –Балкарии / М.Б. Улимбашев // Аграрная Россия. -2010.-№3.-С. 23-24.

10. Шевхужев А.Ф. Молочное скотоводство Северного Кавказа: монография – М.: Илекса, 2013. -276с.

БРОНХОПНЕВМОНИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БУЗОҚЛАРНИ ДИСПАНСЕРЛАШ НАТИЖАЛАРИ

Н.Б.Рўзикулов, Ф.С.Равшанова

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда чорвачиликни жадал ривожлантириш асосида аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондиришни янада яхшилашга қаратилган аграр ислохотларнинг амалга оширилишида, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 16 мартда қабул қилинган ПҚ-4841-сонли «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижросини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги №ЎРҚ-397-сонли «Ветеринария тўғрисида»ги Қонунида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, ички бозорни сифатли ва етарли миқдордаги чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришда ёш чорва молларининг респиратор касалликлари асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади.

Кейинги йилларда олиб борилаётган кузатишларнинг кўрсатишича, бузоқлар касаллигининг 50 фоизга яқини бронхопневмонияга, бузоқлар чиқимининг 25 - 30 фоизи эса нафас тизимининг касалликлари улушига тўғри келади (Б.Б.Бакиров, М.С.Ҳабиев, 1993).

Бронхопневмония билан касалланган хайвон ўсиш ва ривожланишдан қолади, касаллик оқибатида маҳсулот таннархи ошади, ёш хайвонлар орасида кўплаб чиқимга сабаб бўлади ва хўжаликлар катта иқтисодий зарар кўради.

Шу боисдан, Республикамизнинг фермер хўжаликлари шароитидаги бузоқлар орасида учрайдиган бронхопневмония касаллигининг сабабларини аниқлаш, эртачи ташхис усуллари ҳамда такомиллашган даволаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказиш ҳозирги кун ветеринария фани ва амалиёти олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотлар объекти ва услублари. Тажрибалар Қашқадарё вилоятининг Яққабоғ туманидаги қорамолчиликка ихтисослашган “Карпат-ола чашмаси” МЧЖга қарашли наслчилик фермер хўжалигида олиб борилди. Лаборатория текширишлари

МУНДАРИЖА

ВЕТЕРИНАРИЯ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ АМАЛИЁТ ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

1.	Бакиров Б. Ветеринария илми ва амалиётида интеграцион синдроматик ёндошиш тамойили.....	7
2.	Элмуродов Б.А., Наврузов Н., Курбонов Ф., Султонова И. Чорва хайвонлари касалликларини олдини олишда янги инновацион ёндашув.....	9
3.	Гертман А.М., Самсонова Т.С., Нурмухамедов А.Х., Джаникулов Г.С. Диагностика микроэлементозов крупного рогатого скота.....	11
4.	Саттаров Н.Э., Боротов А.Н., Ашуров Н.А., Саттаров М.Н. Турли хил шароитда боқилган бузоқлар қонининг гематологик кўрсаткичлари.....	15
5.	Рўзикулов Н.Б., Равшанова Ф.С. Бронхопневмония билан касалланган бузоқларни диспансерлаш натижалари.....	19
6.	Бектанова Ҳ.Н., Норбоев Қ.Н. Бузоқлар Д гиповитаминозининг клиник белгилари.....	21
7.	Хайитов Б., Бакиров Б. Сигирларда катта қорин ацидозининг касаллигининг қисқача таҳлили.....	23
8.	Асқаров С., Рахмонов Д., Рўзикулов Н.Б., Ёш хайвонлар диспепсиясининг ўзига хос хусусиятлари.....	25
9.	Эшбуриев Б.М., Хамидов М.Х. Маҳсулдор сигирларда клиник ва субклиник эндометритларнинг диагностикаси ва кечиш хусусиятлари.....	29
10.	Эшбуриев Б.М., Абдумажитов В.Б. Маҳсулдор сигирларда гипокобальтознинг симптомлари ва гематологик кўрсаткичлари.....	32
11.	Эшбуриев Б.М., Ботирова Ш.А. Бузоқлар анемиясининг этиопатогенези ва профилактик даволаш.....	35
12.	Хамракулов Н.Ш., Улуғов Б. Товуқларнинг минераллар алмашинуви бузилишларида тухумдаги патологик ўзгаришлари.....	37
13.	Эшбўриев С.Б., Қаршиев У.Т. Қуёнларда минераллар алмашинуви бузилишининг клиник белгилари.....	40
14.	Абдиев С.Б., Ниёзов Ҳ.Б., Рузиев А.И. Сигирларда туғишдан кейинги эндометритларнинг учраш даражаси.....	42
15.	Қўлдошев О.Ў., Ҳамроқулов Н.Ш., Сувонов С. Ихглоковет препаратини сигирлар туққандан кейинги касалликлардан профилактика қилиш самарадорлигини ўрганиш.....	45
16.	Абдинабиев О.Б., Эшбуриев Б.М. Соғин сигирларда яширин маститларнинг этиопатогенези.....	47
17.	Сулаймонов М., Эшқувватов Р., Сидиқов Б. Сигирларни тухумдон касалликлари натижасида бепуштликларни олдини олишда «Introvit A+WS» ва клопростин препаратининг таъсири.....	50
18.	Нурмухамедов Б.М., Файзиева С.Ф. Морфофункциональные изменения в яичниках коз под влиянием гонадотропных препаратов.....	53
19.	Нурмухамедов Б.М., Файзиева С.Ф. Методы гормональной коррекции половой функции у каракульских овец.....	55
20.	Бежинарь Т.И., Бежинарь Н.Р., Каравацкий И.А. Общие факторы естественной резистентности телок в ранний период постнатального онтогенеза.....	58
21.	Дилмуродов Н.Б., Худойназарова Н.Э. Қўйлар бармоқ суяклари бўғим тоғайларининг постнатал онтогенездаги ўзгариш хусусиятлари.....	64
22.	Дилмуродов Н., Рахманова Г. Турли зотли қўйлар тухумдонининг морфогенези.....	68